

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфлар миллий даражада баҳоланади

Президентнинг 20.09.2018 йилдаги қарори билан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия (бундан кейин – Комиссия) ташкил этилди. Ҳужжат ЎЗА сайтида эълон қилинган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳоланишнинг 2-босқичини ўтказиш режасига мувофиқ 2019–2020 йилларда Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган.

Ушбу босқичдан муваффақиятли ўтиш ва Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсиялари ижросини таъминлаш мақсадида ушбу соҳада фаолият юритувчи вазирлик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда. Уларнинг

мансабдор шахслари зиммасига ўз йўналиши бўйича шахсий жавобгарлик юкланди.

Масалан, банклар, кредит ташкилотлари ҳамда қимматбаҳо металллар ва тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўйича Марказий банк раисининг ўринбосари жавобгар. Жами 6 та сектор бўлиб, масъул амалдорлар (соҳа идораси раҳбари ўринбосари даражасидаги, тахр.) сони ҳам шунча.

Ҳужжат билан ташкил этилган Комиссия хавфларни баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, ФАТФ тавсияларини ва мазкур соҳадаги халқаро ҳужжатларни имплементация қилиш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини аниқлаш билан шугулланади.

Комиссиянинг ишчи органи – Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти. Унга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган ташкилотларнинг (банклар, кредит, ризлторлик, лизинг ташкилотлари, адвокатура, нотариат ва ҳ.к.) ҳодимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Меҳнат мигрантларини хорижга жўнатиш учун лицензия қандай олинади

Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2018 йилдаги 725-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги лицензия беради, бироқ Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бу жараёнда ишчи орган бўлади.

Лицензия олиш тартиб-таомили

Лицензиялар фақат юридик шахсларга берилади. Аризани тақдим этиш босқичида талабгорлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

➢ ЭКИХнинг камида 5 минг баравари миқдориди устав жамғармасини шакллантириш (мақола берилган пайтда – 921,5 млн сўм);

➢ фуқаролар мурожаат қилаётган ва уларга хизмат кўрсатилаётган жараёнларни ёзиб оладиган ҳамда ёзиб олинган маълумотларни 3 ой мобайнида сақлайдиган видеокузатув тизими билан жиҳозланган бино ёки хонанинг мавжудлиги;

➢ штатида ва (ёки) фуқаролик ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома бўйича олий юридик маълумотга эга бўлган мутахассиснинг (мутахассисларнинг) борлиги;

➢ штатида ва/ёки фуқаролик ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома бўйича меҳнат мигрантларини юбориш назарда тутилаётган мамлакатлар тилларини яхши биладиган ходимнинг борлиги;

➢ аризани кўриб чиқиш учун ЭКИХнинг 5 баравари миқдориди (мақола берилган пайтда – 921,5 минг сўм) йўғим тўлаш.

Ариза 10 иш куни давомида Агентлик томони-

дан кўриб чиқилади. Бу муддатда ариза берувчиларнинг қўйиладиган талабларга мувофиқлигини жойига бориб ўрганишга йўл қўйилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича хулоса тузилиб, Вазирликка юборилади.

Вазирлик 5 кун мобайнида лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Ариза берувчи қабул қилинган қарор тўғрисида 3 кун давомида хабардор қилиниши шарт. Худди шу муддатда унга нисбатан ижобий қарор қабул қилинган лицензия талабгори Фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида 50 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маблағни захиралаши керак.

Изоҳ: Низомнинг ўзбек тилидаги матнида Агентлик лицензия олиш тўғрисидаги аризани 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши шарт (рус тилидаги матнда – 10 календарь кунни мобайнида). Вазирлик эса Агентлик хулосаси бўйича 5 календарь кунни мобайнида қарор қабул қилади (рус тилидаги матнда – 10 календарь кунни мобайнида). Чамаси, мазкур зиддиятлар яқин вақтда бартараф этилади.

Шундан кейин лицензия битими тузилади ва ЭКИХнинг 3 баравари миқдориди йўғим тўланади (мақола берилган пайтда – 552,9 минг сўм).

Лицензия олувчилар хорижда ишга жойлашишдан манфаатдор бўлган шахсларни танлашда камситишга йўл қўймасликлари; Агентликка фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишлари; талабгорлар билан

тузиладиган шартномалар, шунингдек, талабгорлар ва хорижий иш берувчилар билан тузиладиган шартномалар ҳисобини юритишлари; Ўзбекистоннинг ёки борадиган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ноқонуний деб эътироф этилган фаолиятни амалга ошириш учун меҳнат мигрантларини юбормасликлари шарт.

Рекрутинг агентликлари устидан назорат

Лицензия олган ташкилотлар Агентликка қуйидаги ҳисоботларни топширишлари шарт:

а) бирламчи ҳисобот – фуқароларнинг ҳар бир гуруҳи Ўзбекистондан ташқарига ишга юборилгандан кейин бир ҳафта муддатда қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ҳолда (унга видео ва фото-материаллар илова қилинади):

➢ ходимнинг борган мамлакатидидаги меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлари;

➢ иш ҳақини мунтазам тўлашни, меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларини ва борган мамлакатининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шарт-шароитларни таъминлашни назарда тутувчи тузилган меҳнат шартномалари.

б) ҳар ойлик ҳисобот – хорижий иш берувчи, хорижга ишга юборилган фуқаролар тақдим этган маълумотлар ва бошқа манбалар асосида шакллантирилади ҳамда қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

➢ хорижга ишга юборилган ходимнинг паспорт маълумотлари;

➢ хорижга ишга юборилган ходимнинг иш жойи;

➢ хорижга ишга юборилган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммолар (агар мавжуд бўлса) (иш ҳақи тўлашни кечиктириш, ноқулай меҳнат ва яшаш шартлари, иш жойи бўйича тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар) ҳамда уларни ҳал этиш бўйича лицензиат томонидан қўрилган чора-тадбирлар.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегияси тасдиқланди

Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспортга доир қондалар

7-БЕТ

«Обод маҳалла» дастури нималари назарда тутуди?

8-БЕТ

Мен машинами милицияга тақдим этишга мажбурманми?

Меҳнат мигрантларини хорижга жўнатиш учун лицензия қандай олинади



Бунда Вазирлик лицензия эгалари фаолиятини режали текширишга ҳақли. Лицензия битимида назарда тутилган талаблар ва шартлар (талаб ва шартларни бир марта кўпол тарзда бузилиши рўйхати ўша ерда келтирилади) мунтазам ёки бир марта кўпол тарзда

бузилганда эса лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 5.07.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

(5.07.2018 йилдаги ПҚ-3839-сон) билан хорижда ишлайдиган фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.09.2018 йилдан кучга кирди.

Янги тажриба: пойтахт маҳаллаларида бизнес-марказлар

Вазирлар Маҳкамасининг 20.09.2018 йилдаги 740-сон қарори билан Олмazor тумани маҳаллаларида «Тадбиркорлик марказларини» ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди.

Пойтахтнинг Олмazor туманидаги 10 та маҳалла фуқаролар йиғинида тажриба тариқасида «Тадбиркорлик марказлари» ташкил этилади. Жалб этилган маҳаллалар рўйхати ҳужжатга иловада тақдим этилган.

Тажрибанинг асосий мақсади – тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш.

Марказлар бизнес-инкубатор шаклида ташкил этилади (тадбиркорлар, айниқса ёшларнинг пойтахтларини ривожланишининг ҳар бир босқичида қўллаб-қувватлаш, тахр.), юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Марказларга раҳбарлик қилиш, уларнинг ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш фуқаролар йиғинларининг раисларига юклатилди.

Марказлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари;

- туман маҳаллий бюджети даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан тушадиган даромадлар;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

Марказлар фаолиятининг самарадорлиги натижалари таҳлил қилинади ва олинган натижалар бўйича тажриба Олмazor туманидаги бошқа маҳаллаларда жорий этилади.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Маиший техникани божсиз олиб киришни 6 ойда 1 мартагача чеклаб қўйишлари мумкин

Тегишли лойиҳа ҚХТБТ порталида муҳокама қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2018 йилдаги 463-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Давлат чегарасининг ўтказиш пунктларида фуқаролар учун товарларни божсиз олиб кириш нормалари амал қилмоқда. Улар билан жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб ўтилмаган товарлар қиймати ва миқдори чеклаб қўйилган.

Давлат божхона кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат билан автойўл (йўловчи), темир

йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали товарларни олиб ўтишда мазкур нормалар қисман қисқартирилди.

Маиший техника ва идиш-товоқ

Ҳозир фуқаролар қуйидагиларни Ўзбекистонга бепул олиб киришга ҳақли эканликлари белгиланган:

- автойўл (йўловчи) ўтказиш пунктлари орқали – 1 ойлик интервал билан умумий суммаси 300 АҚШ долларигача бўлган 1 тадан маиший техника ва идиш-товоқ тўплами;

- темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали – 1 ойлик интервал билан умумий суммаси 1 000 АҚШ



ҳамда имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ЯИДХП, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари, банк, лизинг, сугурта, аудиторлик, консалтинг, баҳолаш, риэлторлик ва бошқа хизматлар ҳақида маълумотлар бериш.

Тадбиркорларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш учун Марказлар ходимлари бир йилда икки марта (сентябрь ва март ойларида) ўқув-семинарларда замонавий интерактив ўқув услубларини қўллаган ҳолда билим ва малакаларини оширадилар.

Марказлар фаолиятига, зарур ҳолларда, маҳаллий тажрибали тадбиркорлар, хунармандлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг малакали мутахассислари, оқсоқолнинг маслаҳатчилари жамоатчилик асосида жалб қилинади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.09.2018 йилдан кучга кирди.

долларигача бўлган 1 тадан маиший техника ва идиш-товоқ тўплами.

Ушбу вақт интервалини 6 ойгача ошириш режалаштирилмоқда. Натижада фуқаролар ушбу товарларни эркин тарзда анча кам олиб кира оладилар.

Бошқа товарлар

Бошқа товарлар учун эса, алкоголь, тамаки маҳсулотлари, атир-упа ва қимматбаҳо буюмлардан ташқари, автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктларида ҳозир божсиз олиб киришнинг жуда имтиёзли нормаси амал қилмоқда – суткасига ҳар бир номдаги товардан 2 кг, аммо умумий оғирлиги 10 кг дан ошмаслиги керак. Бироқ бу ерда товарларнинг умумий қийматига чекловлар амал қилади (юқорида қаранг).

Лойиҳа қабул қилинса, жисмоний шахслар мазкур нормадан фойдаланиб, товарларни ҳар кун олиб кира олмайдилар. Интервал 1 ойни ташкил этади.

Лойиҳа ўзгартрилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, Самир Латипов, Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони – «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 18 августдан 24 августгача бўлган маълумот

3-6-бетлар

• НУҚТАИ НАЗАР

– Қурилиш нормалари ва қридалари бузилиши қандай бартараф этилади

7-бет

• АВТОНОРМА

– Йўл «ходисалар»сиз бўлиши учун – Автомобилга ишончномаларни ваколатларни бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқи билан беришга рухсат этилиши мумкин

– Машинангиз керак бўлиб қолса...

– Йўналишга – тўлиқ тайёр ҳолда

8-бет



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Газ баллонлари билан жиҳозланган автотransпорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган маркашлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шойилч чора-тадбирлар тўғрисида».

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 18 АВГУСТ-ДАН 24 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2019–2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашнинг таъминлайдиган замонавий инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада қўллаб қўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингига иштирок этмапти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермапти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион гоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) 1-иловага** мувофиқ;

2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсади;

б) бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илгор мамлакатига қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узгирмас таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самардорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорлиқни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 22.09.2018 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1-4-иловага «СБХ»да берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

бошқаруving замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардор бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани яратиш.

3. 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 4-иловага** мувофиқ тузилсин.

4. Комиссия (А.Н.Арипов):

Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқишларини ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва ҳорижий экспертларни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини, шу жумладан, жойларда ташкил этсин;

ушбу Фармон ижросининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинулари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари – вазирлик ва идораларнинг Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, улар ижроси боришини ҳар чорақда муҳожама қилиш учун; вазирлик ва идоралар раҳбарлари – илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустакил экспертларни (консультантларни), шу жумладан, ҳорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, мақсадли кўрсаткичларга эришилшини таъминлаш учун;

давлат илмий-таълим муассасалари раҳбарлари – Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни илмий-тадиқот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, вазирлик ва идораларга мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун илмий тақдимотлар ва маърузалар, таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳар томонлама қўмаклашиш учун;

махаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари – вазиятни ҳақиқий ва сифатли ўзгартариш учун муносиб шароитлар яратиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ва уларнинг ижтимоий инфратузилмасини Стратегияда ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирлар билан ўзвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан ўзаро келишилган ҳолда жойларда мақсадли кўрсаткичларга эришиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳар йили Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун халқаро ташкилотларга зарур маълумотлар ва кўрсаткичларни мунтазам юборилишини таъминласин.

7. Вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари билан келишилган ҳолда бир ой муддатда мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни назарда тутадиган 3 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тасдиқласин, кейинчалик 3 йилга мўлжалланган янги ривожланиш дастурларини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг бритаиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕВ.*

*Тошкент ш.,
2018 йил 21 сентябрь
ПФ-5544-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОИ

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига хаёфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, тўлов тизимларини ривожлантириш, уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида қатор камчиликлар мавжуд.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 20.09.2018 йилдан қучға кирди.

**Қарорга илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаётгани ҳамда бир монопол тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, тўлов тизимлари операторларининг фаолияти қонунийлик даражасида тартибга солинмаганлиги уларнинг ривожланишини чекламоқда ва мазкур тизимларнинг ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тўловларни амалга ошириш узлуksизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази» давлат унитар корхонаси Миллий банклараро процессинг марказини (кейинги ўринларда Миллий банклараро процессинг маркази деб юритилади) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Миллий банклараро процессинг марказини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Миллий банклараро процессинг маркази, банклараро тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи тўлақонли марказ яратилишини;

2020 йил 1 январга қадар маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи Миллий банклараро процессинг маркази ишга туширилишини;

2020 йил 1 июлга қадар мамлакатдаги барча процессинг марказларининг, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларининг бевосита Миллий банклараро процессинг марказининг ягона шлюзи орқали ишланиши;

банк тўлов инфратузилмаси доимий равишда яхшиланганини, банкоматлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи кўп функцияли терминаллар тармоғининг, шу жумладан, ўз тасарруфидagi корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда, кенгайтирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда Миллий банклараро процессинг маркази лойиҳасини амалга ошириш давомида мавжуд процессинг

марказларининг Миллий банклараро процессинг маркази билан интеграциялашувини ва ўзаро хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Чакана тўлов хизматларини кўрсатиш учун банк тарифлари банклар ҳаражатлари қопланишини таъминлаш ва рақобатга кўмаклашиш учун маъмурий аралашуварсиз халқаро тажрибага мувофиқ ўрнатилиши белгилансин.

6. Марказий банк 2019 йил 1 январга қадар бўлган муддатда хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро норма ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида қўйидагиларни назарда тутуви Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

миллий тўлов тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари; Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини тартибга солишни назорат қилиш, шунингдек, миллий тўлов тизими субъектларини лицензиялаш тартиби;

тўлов тизимларида банк сири ҳимоясини таъминлаш хусусиятлари;

электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, электрон ҳамёнлар эгаларини идентификация қилиш тартиби.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида, Марказий банк ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази» ДУКга:

Марказий банк ҳудудида ўрнатиладиган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилган ҳолда, қурилиш ва лойиҳалаштиришнинг бир вақтнинг ўзida лойиҳалаштириш ва молиялаштириш шартларида амалга оширишга;

лоийҳалаш ва пудрат ташкилотларини, шунингдек, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, техника ва технологиялар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материалларни етказиб бериувчиларни тендер (танлов) савдопарини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш асосида аниқлашга руҳсат берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЕВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 19 сентябрь
ПҚ-3945-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўқинилик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий

*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 20.09.2018 йилдаги 194 (7152)-сонida эълон қилинган.

хисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таъмин сифатида қаралмоқда;

иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

учинчидан, аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаси тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминламайпти, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органининг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шариоитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермайпти;

бешинчидан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий хисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламайпти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Д.А.Қўқоров аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг қўйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминласин:

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш, хусусан, профессионал жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлигини таъминлаш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ишбу стандартларни қўллаш соҳасида жаҳоннинг илгор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (В.Пак), Адлия вазирлиги (Н.Жўраев), Иқтисодиёт вазирлиги (М.Мирзоев), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Мусаев), Тошкент молия институти (У.Азизов) ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган бўлса, ўз номида «аудиторлик ташкилоти» сузларидан фойдаланишга ҳақи эмас;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиатга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини беради;

аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади;

айнан битта ҳўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар уч йилда камида бир марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказилади;

аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни ҳўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 2019 йилнинг 1 апрелига қадар маъмур қарорда белгиланган штатдаги аудиторларнинг энг кам сони тўлиқ тўлдирилишини таъминласин.

Реклама



«КОРХОҲА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кў., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

4. 2019 йил 1 январдан:
аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига доир;
аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг аттестациядан ўтиши бўйича;

устав капиталда давлат акциялари (улушлари) тўплами 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда таъки аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат ичидан танлов асосида танлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилинсин.

5. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан:

а) ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзига иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

ҳодимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса;

б) аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади;

в) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг таъки назорати натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси таркибида туртта штат бирлигидан иборат профессионал ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатини таъки назоратдан ўтказиш бўлими ташкил этилсин, шунга мос равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ҳодимларининг чекланган сони оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бухгалтерлар ва аудиторлар жамоат бирлашмаларини Молия вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилган ҳолда аудиторлик ташкилотларининг аккредитациядан ўтган жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини белгилаш бўйича тақлифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифлари маъқуллансин:

аудитор малака сертификатини дастлаб беш йиллик муддатда бериш, навбатдаги муддатини ўн йилга узайтириш ва ундан кейин муддатсиз даврга бериш;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатини беришни ва амал қилиш муддатини узайтиришни, шунингдек, 10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажига мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатининг амал қилишини муддатсиз даврга узайтиришни малака имтиҳонини тоширмасдан амалга ошириш;

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотидан бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиш талабини ўрнатиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

а) ҳар йили 1 июлга қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида қуйидаги ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириш:

ҳўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотлари (солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами);

аудиторлик ташкилотининг идентификация маълумотлари (номи, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг санаси ва рақами);

аудиторлик ҳулосасининг нусхаси;

б) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз вақтида чоралар қўриш;

в) қуйидагилар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш:

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган ҳўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган молиявий санкциялар тўғрисида.

9. Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро амалиётни ўрганиш асосида:

2018/2019 ўқув йили давомида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги ўқув режалари ва дастурларининг бажарилишини комплекс таҳлил ва мониторинг қилсин ҳамда уларни янада такомиллаштириш ва ўқитишнинг инновацион усулларини жорий этиш чораларини қўрсин;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларига халқаро аудит стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича фанларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаси билан таққослаш орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фирма номида «аудиторлик ташкилоти» сўз бирикмасидан фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар мuddатда аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Аудит» дастурий мажмуасини ишлаб чиқишни таъминласин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январига қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйдагилар бўйича тақлифлар киритсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида қўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олинишини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

г) 2019 йилнинг 1 январига қадар фаолият юритаётган ва мазкур қарор талабларига жавоб берадиган аудиторлик ташкилотларига янги намунадаги аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар беришни таъминласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелидан кейин мазкур қарор талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тугатиш чораларини кўрсин;

е) Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазир Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 19 сентябрь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ,
ШУНИНГДЕК, ТАБИИЙ ГАЗДА ИШЛАЙДИГАН МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН
ҚОЗОНХОНАЛАРДАН БЕХАТАР ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ШОШИЛИНЧ
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА***

Сўнгги йилларда автотранспорт воситаларини экологик тоза ёқилги турлари, шу жумладан сиқилган табиий газ билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, автомобильларга газ билан тўлдириш компрессор станцияларининг сон 670 тага етди ва автотранспорт воситаларининг 50 фоиздан ортиги мўқибил ёқилги сифатида сиқилган табиий газдан фойдаланимоқда.

Ушбу соҳада хавфсизлик масалаларини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармогини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш, ҳамда уларда газбаллон асбоб-ускуналарини хавфсиз ишлатишни таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 октябрдаги 815-сон қарори ва «Транспорт воситаларини мажбурий техник куридан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларида газ баллонларини тўлдиришда, газ баллони ускуналарининг бириккан жойлари зичлиги ва ишончилигини даврий синовдан ўтказишда, шунингдек, жисмонан ва маънан эскирган газ баллонларидан фойдаланиш

оқибатида белгиланган талаб ва тартибларни бузиш ҳолатлари учрамоқда.

Юқорида қайд этилган қоидабузарликлар инсонлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказадиган, шу жумладан қўпичча ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2018 йил 18 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятининг Когон туманида «Ғузур-Бухоро-Нукус» А-380 автомобиль йўлининг 201-километрида «Исузу» йўловчи автобусида ўрнатилган газ баллони портлаган. Бунинг оқибатида 5 киши ҳалок бўлган, 21 киши жароҳатланган.

Қозонхона ускуналаридан фойдаланиш ишончилигини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларни табиий газ билан таъминлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, энергия таъминоти ва энергия самарадорлиги масалаларига етарлича эътибор қаратилмапти.

Сиқилган табиий газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларидан янада хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, улардан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, шунингдек, иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган қозонхоналардан фойдаланиш ишончилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 21.09.2018 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1, 2, 2в ва 26-қисмлар «СБХ»да берилмапти. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

1. Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларини, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналарни хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини оширишга доир тақлифлар тайёрлаш бўйича 1-иловага** мувофиқ Республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Республика комиссиясининг (А.Ж.Раматов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари бўйича:

стандартлар ва техник регламентлар талабларига жавоб берадиган ҳамда сертификатланган сиқилган табиий газ баллонларидан фойдаланилиши юзасидан уларни ялпи хатловдан ўтказиш;

ташқилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ҳар бир юридик шахс ва жисмоний шахслар автомобил транспортининг техник ҳолатини босқичма-босқич қўриқдан ўтказиш;

ҳар бир автомобиль транспортининг техник қўриқ талаблари, уларда фойдаланилаётган газ баллонларининг ишончилиги ва хавфсизлиги талабларига мос келиши юзасидан далолатнома тузилишини таъминлаш;

б) автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари бўйича:

фойдаланилаётган технология усуналар (компрессорлар) ва бошқа воситаларнинг лойиҳа ҳужжатлари талабларига, айниқса, ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш талабларига, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан уларни ялпи хатловдан ўтказиш;

автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари улардан фойдаланишда саноат хавфсизлиги курсларига ўқиган малакали мухассислар ва ишчи-ҳодимлар билан таъминланганини ўрганиш;

автомобилларни газ билан тўлдирадиган ҳар бир компрессор станциясининг саноат хавфсизлиги, лойиҳа параметрлари, лицензия талаблари ва шартларига риоя этиш талабларига мос келиши юзасидан далолатнома тузилишини таъминлаш;

в) марказлаштирилган қозонхоналар бўйича:

марказий қозонхоналар ва уларни табиий газ билан таъминлаш тизимлари, шу жумладан газ тақсимлаш пунктларининг ёнгин хавфсизлиги техник талабларига мос келиши юзасидан ялпи хатловдан ўтказиш;

ёқилги-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш борасида фойдаланилаётган ускуналарнинг ишончилиги ва самарадорлигини, талаб этилган малакага эга хизмат кўрсатувчи ҳодимларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш;

марказлаштирилган ҳар бир қозонхонанинг саноат ва ёнгин хавфсизлиги талабларига мос келиши, шунингдек, айниқса қўзғиш мавсумида узлуқсиз ишлашга тайёрлиги бўйича далолатнома тузилишини таъминлаш.

3. Газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари, шунингдек, марказлаштирилган қозонхоналарни

хатловдан ўтказиш бўйича 2, 2а ва 2б-иловаларга** мувофиқ ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин.

Республика комиссияси ишчи органининг функциялари, ўтказилган хатлов натижалари бўйича далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилиши белгилан кўйилсин.

4. Белгилансинки:

а) мулкчилик шаклидан қатъи назар, газ баллонлари билан жиҳозланган ва йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автобуслар, микроавтобуслар ва енгил автотранспорт воситалари (таксилар) 2018 йил 1 декабрда, жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари ҳамда ташкилотларнинг газ баллонлари билан жиҳозланган ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ва юкларни ташишда фойдаланиладиган махсус техникаси – техник қўриқни ўтказишнинг белгиланган муддатларида хатловдан ўтказилади;

автотранспорт воситалари ва уларда ўрнатилган газ баллонлари техник қўриқдан Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги вилоят бошқармалари томонидан белгиланган жойларда, шу жумладан «Ўзстандарт» агентлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган республика ҳудудларидаги қалот ичидagi ускуналарни ўрнатиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сервис марказларида ўтказилади;

автотранспорт воситаларини хатловдан ва техник қўриқдан ўтказиш натижаларига қўра, ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатнома тузилиб, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тегишли бошқармасига берилади;

б) 2018 йил 15 ноябрда бўлган муддатда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари хатловдан ўтказилади ва ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатномалар тузилиб, «Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекциясига тақдим этилади;

«Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекцияси хатлов натижалари асосида лицензия лицензия талаблари ва шартларига, шу жумладан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этмаганда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларининг лицензияларини белгиланган тартибда тўхтатиш чораларини қўради;

в) 2018 йил 1 ноябрда бўлган муддатда саноат қорхоналари, ижтимоий соҳа объектлари ва республика аҳолиси эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган марказлаштирилган қозонхоналар хатловдан ўтказилади ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли далолатномалар тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир шўшилинч чоралар қўриш учун тақдим этилади.

5. Республика комиссияси (А.Ж.Раматов) ўтказилган хатлов натижаларига қўра 2018 йил 15 декабрда бўлган муддатда: автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларидан ва газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларидан бехатар фойдаланилишини, шунингдек, хатлов

А
М
А
Л
К
Р

 «КИЧИК ҚОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тал.имаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш бўйича «йўл харитаси»;

марказлаштирилган қозонхоналардан самарали ва бехатар фойдаланилишини, шу жумладан улардан фойдаланишда содир бўлган авария ҳолатларининг зудлик билан бартараф этилишини, шунингдек, хатлов давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқирилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. «Ўздавнефтегазинспекция» ДИ масъулиятни бевосита лицензията юклаган ҳолда, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган газ баллонлари сиқилган табиий газ билан тўлдирилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилишини таъминласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги 2018 йил 15 ноябрғача бўлган мuddатда сиқилган газ баллонларини ишлаб чиқарувчиларнинг технологик жараёнларини, уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Республика комиссиясига ҳамда ҳудудий комиссияларга автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини хатловдан ўтказиш давомида уларга юклаган вазифаларнинг сифатли бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов, «Ўздавнефтегазинспекция» давлат инспекцияси бошлиғи Н.Т.Аззамов, «Санавтотехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи Б.В.Гулямов, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х.Салиев ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори Д.Н.Саттаров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.*

Тошкент ш.,
2018 йил 19 сентябрь
745-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 18 АВГУСТДАН 24 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 107-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарта (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1364-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3056.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар-

ни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 июлдаги 9-мх, 19-қ/қ-сон «Ўмумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йуриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 20 августдаги 106, 2018-49-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-6.

Реклама



**Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги**

**www.norma.uz
www.norma.uz
www.norma.uz**

Қурилиш нормалари ва қоидалари бузилиши қандай бартараф этилади

Пойтахтимиз инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 2 та дастур амалга оширилмоқда:

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури (3.02.2017 йилдаги ПФ-4944-сон Фармонга 7-илова);
- «Обод маҳалла» дастури тўғрисида (27.06.2018 йилдаги ПФ-5467-сон Фармон).

Бу ҳужжатлар, хусусан, қуйидаги олижаноб мақсадларга йўналтирилган:

- аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;
 - Тошкент шаҳридаги туманларни модернизациялаш;
 - керакли хизматларни яқин жойда тақдим этиш.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика кенгаши, «Маҳалла» фондига (ПФ-4944-сон Фармоннинг 8-банди; ПФ-5467-сон Фармоннинг 2-банди):
- 2018 йилнинг 1 декабрига – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларини;
 - 2021 йилнинг 1 декабрига фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) чораларини қўриш вазифаси топширилган.

Юқорида кўрсатилган дастурлар доирасида Тошкент шаҳридаги туманларда кенг миқёсли қурилиш ишлари бошланди. Бироқ, республика ОАВнинг (масол учун, *gazeta.uz*, *sreda.uz* ва *nuz.uz* сайтлари) гувоҳлик беришича, инвесторлар фойда олиш ниятида маҳалла марказлари қўрилиши остида кўпинча тижорат кўчмас мулкни қуришга уринмоқдалар.

Бу яқин орада яшовчи кўп қаватли уйлар аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда, чунончи, уларнинг яшаш шароити нафақат қурилиш жараёнида, балки тижорат кўчмас мулкни фойдаланишга топширилгандан кейин ҳам ёмонлашади. Бунинг устига, мазкур вазиятда тижорат қурилиши учун ер участкаларини ажратиш жараёни шаффоф эмаслиги ва шаҳарсозлик нормалари бузилиши эҳтимоли кўплаб саволларни юзага келтиради.

ажратиш тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари асосида амалга оширилади (Ер кодексининг 23-моддаси).

2018 йил 1 июлдан бошлаб:

➤ тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-Ijro Aukcion» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади;

➤ ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади (20.04.2018 йилдаги ПҚ-3677-сон қарорнинг 1-банди).

Президентнинг ПҚ-3677-сон қарорини бажариш юзасидан Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 30.06.2018 йил-



даги 493-сон қарорига 1-илова) тасдиқланди.

Бундан буён ер участкаларини ажратиш тартиб-таомилларининг шаффоф эмаслиги хусусида ҳеч қандай савол юзага келмаслиги керак эди. Бироқ Низомда истисно мавжуд. Унинг талаблари Ўзбекистон Республикаси Президенти, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг қарорларида назарда тутилган давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини бериш тартибига биноан барпо этилаётган муайян турдаги объектларни қуришга татбиқ этилмайди (Низомнинг 2-банди «б» кичик банди).

Кўрсатилган нормада маҳалладаги биноларни қуриш учун ер участкаларини электрон савдо майдончасидан ташқарида бериш имконияти назарда тутилган. Бунда қўнчилик даражасида:

- амалдаги дастур доирасида маҳаллаларни ободонлаштириш учун ер участкаларини бериш тартиби батафсил қайд этилмаган;
- бўлажак қурувчиларни танлаб олиш мезонлари белгиланмаган;
- маҳалладаги биноларнинг намунавий лойиҳалари ва уларга қўйилган талаблар тасдиқланмаган.

Бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, низоли вазиятлар юзага келишига олиб келади, мамлакат раҳбарияти кўрсатмаларини тўғри бажаришга тўсқинлик қилади. Кўпинча инвесторлар маҳалла марказлари қўрилиши остида, «Обод маҳалла» дастуридан қўзланган мақсадга зид равишда одамларнинг манфаатлари ҳақида уйламай, бизнес-марказлар ва бошқа тижорат кўчмас мулк объектларини қуришга уринмоқдалар.

Бироқ бунда фақат вазиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги ҳақида сўз юритилмаяпти. Маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланган қурилиш лойиҳалари амалиётда

шаҳарсозлик нормаларининг талабларини бузган ҳолда амалга оширилмоқда. Аслида ҳар қандай қурилиш шаҳарсозлик нормаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак (Шаҳарсозлик кодексининг 3-моддаси). Президентнинг «Обод маҳалла» дастури тўғрисидаги Фармонида (ПФ-5467-сон Фармоннинг 2, 3-бандлари) ҳам шаҳарсозлик нормалари талабларига сўзсиз риоя этиш зарурлиги қайд этилган.

Стандартларда эса қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: «Микрорайонларда уй-жойлар оралиғида ҳар қандай мақсадга мўлжалланган объектларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Махсус иншоотлар (болалар учун ўйин майдончалари, спорт майдончалари, кир ёйиш, автомобилларни вақтинча сақлаш учун майдончалар) бундан мустасно» (2.07.01-03 ШНҚнинг 21.1-банди).

Мавжуд амалиёт Шаҳарсозлик кодекси нормаларига ҳам зид келади. Хусусан, қуйидагилар жамиятнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари ҳисобланади:

- аҳолининг қулай яшаш шароитларини таъминлаш;
- ҳўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф муҳитга етказадиган зарарли таъсирига йўл қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш;
- шаҳарсозлик фаолиятидаги очиқлик ва шаффофлик.

Агар шаҳарсозлик фаолияти жамиятнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тугатилиши керак (Шаҳарсозлик кодексининг 4-моддаси).

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария нормалари ҳамда қоидаларига риоя этишлари шарт (Шаҳарсозлик кодексининг 8-моддаси).

Қўнубзарликларга йўл қўймаслик учун «Обод маҳалла» дастури доирасида қурилиш учун ер участкаларини ажратиш масаласини қўнчилик йўли билан тартибга солиш зарур. Бунинг учун қуйидагиларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тасдиқлаш лозим:

- ер участкасини ажратиш босқичлари, муддатлари ва мезонлари;
 - маҳаллалар кесимида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсат берилган ҳудудлар;
 - маҳалла фуқаролари йиғинлари биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
 - қурилган биноларда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турларини батафсил қайд этиш.
- Эслатиб ўтамай, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояланган, қўнубзарликларни бузилган тақдирда улар суд органларига (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 4, 26, 27-моддалари), шунингдек жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишини кафолатловчи прокуратура органларига мурожаат қилиш ваколатига эга («Прокуратура тўғрисида»ги Қўнуннинг 7-моддаси, III-бўлими 1, 2-боблари).

Баҳром Зайтаев, юрист.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.



«Обод маҳалла» дастури доирасида қурилиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ соҳани тартибга солиш учун ҳужжатлари ҳар хил тушунилиши ва талқин қилинишининг олдини олиш учун норматив-ҳуқуқий базани қўриб чиқамиз ва тартибга солинмаган масалаларга эътибор қаратамиз.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бериш ер

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Йўл «ҳодисалар»сиз бўлиши учун



Вазирлар Маҳкамасининг 30.08.2018 йилдаги 701-сон қарори билан йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва ЙТХ профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари қабул қилинди.

Ҳар жума – ЙТХ тарғибот кунини ва «Автомобилсиз кун» ҳақида

Ҳафтанинг ҳар жума кунини «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот кунини» деб эълон қилинади. Ушбу кунда кўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

➤ ЙТХ энг кўп содир этиладиган ҳудудларда фуқаролик жамияти институтларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини жалб этган ҳолда, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

➤ кенг жамоатчилик иштирокида ЙТХ, шунингдек уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратётган шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чораларни танқидий муҳокама қилиш;

➤ республика ва маҳаллий теле- ва радиоканалларда пиёдалар ва ҳайдовчиларнинг айби билан юз берган ЙТХ; ЙТХга риоя қилмаслик оқибатлари ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг жавобгарликлари ёритиб бориладиган махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;

➤ йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида ЙТХга риоя қилиш маданиятини шакллантириш;

➤ йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ЙТХ профилактикаси масалалари бўйича мақолалар, шарҳлар ва бошқа материалларни ОАВда, шу жумладан Интернетда чоп этиш.

Ушбу кунни ўтказиш тартиби ва ташкилий жиҳатлари дастурда ва схемада акс эттирилган. Амалга ошириладиган тадбирларни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига топширилди.

Ҳар ойнинг учинчи жума кунинда республиканинг барча минтақаларида «Автомобилсиз кун» акцияси ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу тадбир экологик ҳолатни яхшилашга, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга, автомобилсиз ҳаракатланиш мумкинлиги ва зарурлигини намойиш қилишга қаратилди. Шу муносабат билан

бу ишлар юзасидан тарғибот-ташвиқот чора-тадбирлари, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этилади.

Болалар боғчалари ва мактабларда ўқув дастурлари

Болалар боғчаларида йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асослари ўқитилади. Умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати қоидалари, ёнғинларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ўқув дастурларини ўз ичига олган «Ҳаётини фаолият хавфсизлиги» мажбурий фани жорий этилади. Ўқув дастурлари 3 ойлик муддатда ишлаб чиқилади.

ЙТХ бузилиши бўйича ҳар ҳафталик рейдлар

ИИБ томонидан ҳар ҳафтанинг жума кунинда ЙТХни кўпол равишда бузиб келаётган ҳайдовчи ва пиёдаларни аниқлаш мақсадида рейдлар ташкил этилади. Шунингдек техник носоз транспорт воситаларини аниқлаш бўйича рейдлар ўтказилади.

Мактаб яқинидаги йўлларда хавфсизликни таъминлаш

Ўқув йили давомида мактабга туташ ва яқин бўлган йўлларга йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари жойлаштирилади. Бу чора-тадбирлар мактаб ўқувчилари иштирокидаги ЙТХнинг олдини олишга қаратилди.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларининг йўлларни кесиб ўтишда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Маҳалла посбони», ҳарбий қақирувга тайёрлаш фани ўқитувчилари ва Ёшлар иттифоқининг етакчиларидан йўл ҳаракати жамоатчи навбатчиси фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 30.08.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Автомобилга ишончномаларни ваколатларни бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқи билан беришга рухсат этилиши мумкин

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

ҚХТБТ порталида Транспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этишга ваколатларни расмийлаштириш қоидаларига киритилган ўзгаришлар муҳокамага қўйилди.

Бошланишига 2001 йилдан амал қилаётган 2 та тақиқни бекор қилиш таклиф этилмоқда (ВМнинг 28.08.2001 йилдаги 354-сон қарори):

➤ автотранспорт воситаларига нисбатан ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни нотариал расмийлаштиришга бўлган тақиқ – айна пайтда унга кўра жисмоний шахсга тегишли бўлган транспортни бошқарадиган ҳар бир шахсга ишончнома фақат мулкдор томонидан берилади;

➤ Ўзбекистон резидентлари бўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари ижара шартномаларини нотариал расмийлаштиришга бўлган тақиқ – бу тақиқ бўйича айна пайтда чет эллик фуқаролар автомобилларни ижарага ололмайдилар.

Бундан ташқари, енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш хизматларини кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида 30 кунгача бўлган муддатга автомобилнинг ижара шартномасини мажбурий нотариал тасдиқлаш бекор қилинганлиги муносабати билан бундай шартномаларни ЙТХДХ органларида ҳисобга қўйиш талаб этилмаслигини белгилловчи аниқлаштиришни киритиш таклиф этилмоқда (Низом, ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-қарори билан тасдиқланган; Низом, ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган).

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

БИЗГА МАКТУБ ЙўЛЛАБСИЗ

Автомобиль ҳайдовчиси ИИО ходимининг талабига кўра унга ўз машинасини тақдим этишдан бош тортишга ҳақлими?

Ренат Ш. Тошкент ш.

Машинангиз керак бўлиб қолса...

– Ҳайдовчи қуйидаги ҳолларда транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этишга мажбурдир:

➤ ички ишлар органи ходимларига қонунда белгиланган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун. Шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобили);

➤ йўлакчи йўналишда тиббий ёрдам кўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига ҳамда зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун (ЙТХнинг 11-банди «з» кичик банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).

Транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиш талаби фуқароларга тегишли (тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатидан ташқари) транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Транспорт воситаларини текшириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

ЯНГИЛИКЛАР

Йўналишга – тўлиқ тайёр ҳолда

«Тошшаҳартрансхизмат» компанияси махсус «Техник кўриқдан ўтказиш кунлари» ва «Автомобилларни мукаммал тозалаш кунлари»ни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Тошкентда кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти сешанба ва жума кунларини «Техник кўриқдан ўтказиш кунини» деб эълон қилди. Компаниянинг тажрибали мутахассисларидан ташкил топган махсус комиссия машиналарни тўлиқ техник кўриқдан ўтказишга, – дея қайд этдилар пойтахтдаги маъмуриятнинг матбуот хизматида.

Бунда компания муҳандиси кундалик кўриқни ўз вақтида ҳадвал бўйича ўтказиш.

Бундан ташқари, яшанба кунини «Автомобилларни мукаммал тозалаш кунини» бўлади. Бу кунда компаниянинг барча ходимлари ўзлари масъул бўлган машиналарни тартибга келтирадилар. Хусусан, двигател, ҳаракатланувчи қисмлар ва салон махсус кимёвий воситалар билан тозаланади.

Манба: Podrobno.uz ЯА.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Иккундодий-ҳафталик газетаси

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собироевич
ҚҮРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
буйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теригиди ва саҳифаланди.
Нашр ҳурлати – 186. Қроқ бичими – А3. Ҳўкми – 2 боёма таёб. Баҳори келишган нарқда.
Бўртма 401. Адади 820. Газета 2018 йил 24 сентябрь соат 16.30 да топширилди.